

ЎЗБЕКИСТОНДА ТИЛ СОҲАСИДАГИ СИЁСАТ ВА ТАРИХИЙ АҲАМИЯТИ

Қурбонова Марғуба Болтаевна

Қарши мұхандислик иқтисодиёт институти
“Ижтимоий фанлар” кафедраси катта ўқитувчisi

АННОТАЦИЯ

Мақолада Ҳалқимизнинг кўп асрлик маданий, илмий-маърифий ва бадиий тафаккури, интеллектуал салоҳиятининг ёрқин ва бебаҳо маҳсули бўлган ўзбек тили хақида маълумотлар берилган. ўзбек тили жаҳондаги бой ва қадимий тиллардан биридир.

Калим сўзлар: Ўзбекистон, тил, сиёсат, тарих, она тили, миллий тикланиш.

АННОТАЦИЯ

В статье представлены сведения об узбекском языке, который является ярким и бесценным продуктом многовекового культурного, научного, просветительского и художественного мышления, интеллектуального потенциала узбекского народа. Узбекский – один из самых богатых и древних языков в мире.

Ключевые слова: Узбекистан, язык, политика, история, родной язык, национальное возрождение.

ABSTRACT

The article provides information about the Uzbek language, which is a bright and invaluable product of centuries-old cultural, scientific, educational and artistic thinking, intellectual potential of the Uzbek people. Uzbek is one of the richest and most ancient languages in the world.

Keywords: Uzbekistan, language, politics, history, mother tongue, national revival.

КИРИШ

Ўзбекистонда 1989 йил 21 октябрда эл-юртимиз асрлар давомида орзу қилиб, интилиб ва курашиб келган давлат тили ҳақидаги қонуннинг қабул қилиниши мамлакат суверенитети ва мустақиллиги сари қўйилган дастлабки дадил қадам эди. Айнан ана шу тарихий ҳужжатга биноан ўзбек тили мустаҳкам ҳуқуқий асос ва юксак мақомга эга бўлди.

Истиқлол йилларида она тилимиз том маънода давлат тилига айланиб, халқимизни юртимида эркин ва озод, фаровон ҳаёт қуришдек буюк мэрраларга сафарбар этадиган бекиёс куч сифатида майдонга чиқди. Бугун Ўзбекистонимиз «Миллий тикланишдан — миллий юксалиш сари» деган бош тамойил асосида тараққиётнинг янги, янада юксак босқичига кўтарилмоқда. Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар жараёнида давлат тилининг ҳаётимиздаги ўрни ва нуфузи тобора ошиб бормоқда.

МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Ўзбек тили сиёсий-хуқуқий, ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маърифий жабҳаларда фаол қўлланиб, халқаро минбарларда баралла янграмоқда. Хорижий мамлакатларда тилимизга эътибор ва уни ўрганишга қизиқиш кучаймоқда. Бугунги глобаллашув даврида ҳар бир халқ, ҳар қайси мустақил давлат ўз миллий манфаатларини таъминлаш, бу борада аввало ўз маданиятини, азалий қадриятларини, она тилини аср-авайлаш ва ривожлантириш масаласига устувор аҳамият қаратиши табиийдир¹.

Дунёда XX аср охирида содир бўлган ижтимоий-сиёсий жараёнлар мустақил ривожланиш йўлига ўтган давлатлар учун тил сиёсати борасида, хусусан, давлат тилини танлашда жиддий муаммолар туғдирди. Масалага ёндашувда кўпроқ икки тенденция кузатилмоқда.

Биринчиси ўз миллий тилига давлат тили конституциявий-хуқуқий мақомини бериш.

Иккинчиси бир нечта тилларнинг давлат мақомини хуқуқий расмийлаштириш.

Бугунги кунда моноэтник мамлакатлар йўқ. Кўпмиллатлилик ва кўпконфессиялик, миллий муносабатларни ва маданиятларнинг ўзаро алоқаларини ривожлантириш зарурати каби сабаблар давлат тили тажрибаси ва амалиёти билан муаммоларни вужудга келтирди. ЮНЕСКО хужжатларида миллий тилларни ривожлантириш ва қўптиллиликни қўллаб-қувватлашга қаратилган меъёрлар белгиланган. Аммо улар мустақил давлатларда давлат тилини татбиқ этиш бўйича турли хил ёндашувлар, концепциялар ва улар билан боғлиқ зиддиятли тенденциялар юзага келмоқда. Шу муносабат билан давлат тилини ривожлантиришнинг ижтимоий-фалсафий, концептуал

¹Ш.Мирзиёев. Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мақеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида. Тошкент ш.,2019 йил 21 октябрь,ПФ-5850-сон

асосларини бугунги кун нуқтаи назаридан тадқиқ этиш масаласи долзарб аҳамият қасб этмоқда.

Жаҳон илм-фанида қўп йиллардан буён миллий тилларнинг давлат тили мақомида ривожланиш масалалари фалсафий, сиёсий, ҳуқукий, лингвистик ва бошқа аспектларда тадқиқ этилмоқда. Бундай тадқиқотлар масала ечимининг самарали механизмларини топишга қаратилган. Лекин амалиётда давлат тили ва миллий тиллар ўртасидаги муносабатларни лисоний хилма-хиллик тамойилини сақлаган ҳолда, муайян давлатда бир ва ундан ортиқ тилларга давлат мақомини бериш тартибида ёки, аксинча, давлат тилини мажбурий сингдириш кузатилмоқда. Илмий изланишлар натижасида давлат тилини ҳаётга тадбиқ этиш ва функционал ривожлантириш бўйича концепциялар, дастурлар, услугубий ёндашувлар шаклланмоқда. Шу сабабли мустақил давлатда уйғун тил сиёсати юритиш, давлат тилининг кенг микёсда қўлланилишини таъминлаш, унинг миллий идентликни сақлаб қолишдаги ва миллатлараро барқарорликни таъминлашдаги аҳамиятини тадқиқ этиш зарурияти юзага келмоқда.

Мамлакатимизда 1989 йилда ўзбек тилига давлат тили мақоми берилиши билан суверен давлат сифатидаги мустақил тараққиёт йўлини бошлаганлиги ижтимоий-тарихий воқеликдир. “Ҳар биримиз давлат тилига бўлган эътиборни мустақилликка бўлган эътибор деб, давлат тилига эҳтиром ва садоқатни, она Ватанга эҳтиром ва садоқат деб билишимиз, шундай қарашни ҳаётимиз қоидасига айлантиришимиз керак²” Шу нуқтаи назардан мамлакатда яшаётган бошқа миллатларининг тили ва миллий маданияти ривожига салбий таъсир қилмаган ҳолда, ўзбек тилининг функционал ривожланишини ҳамда кенгайтиришнинг самарали йўлларини излаб топишни тақозо этмоқда. Мазкур вазифани бажариш учун ўзбек тилининг давлат тили мақомида функционал ривожланишининг ижтимоий-фалсафий омилларини тадқиқот объектига айлантириш лозим.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон, 2019 йил 21 октябрдаги “Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чоратадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5850-сон, 2020 йил 20 октябрдаги “Мамлакатимизда ўзбек тилини янада ривожлантириш ва тил сиёсатини

²Мирзиёев Ш.М. Ўзбек тили халқимиз учун миллий ўзлигимиз ва мустақил давлатчилик тимсоли, бебаҳо маънавий бойлик, буюк қадриятдир // Халқ сўзи газетаси. – 2019 йил 22 октябрь, 218-сон.

такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”да ПФ-6084-сон фармонлари ва 2019 йил 4 октябрдаги “Давлат тили ҳақида”ги Қонуни қабул қилинганини ўттиз йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида”ги ПҚ-4479-сон қарори ҳамда давлат тилига оид бошқа меъёрий-хуқуқий хужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация муайян даражада хизмат қиласди. Ёзувга алоҳида эътибор беришимизга сабаб шуки, унинг остида шу халқнинг тили яшайди. Бу қараш бизда бирданига пайдо бўлмаган, балки бир неча ўн йиллар давомида қадимги туркий ёзувлар билан шуғулланишимиз маҳсули сифатида юзага келган. Этногенез ва этник тарихнинг муҳим қуроли ва асоси ёзув бўлганини назарда тутсак, дунё халқларининг ўзлари ижод қилган ёзувлари (улар тўрт юздан ортиқ) маълум бир халқнинг этник тарихини ҳам, тили тарихини ҳам сақлаб келгани тўғрисида ишонч билан сўз юритиш мумкин.

Мавжуд ёзувлар халқнинг номи (шумер ёзуви, миср ёзуви, туркий ёзув, кхарошли ёзуви, мўғул ёзуви ва х.) ёки маълум тарихий шахслар (Моний ёзуви) номи билан юритилгани ҳам бежиз эмас. Қолаверса, маълум бир халқнинг адабий-тарихийманбаларида берилган маълумотлар, ишоралар ҳам она тилининг илдизларини талқин ва таҳлил қилишда қимматли далил бўла олади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти 2020 йилнинг 20 октябрь куни “Мамлакатимизда ўзбек тилини янада ривожлантириш ва тил сиёсатини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонни имзолади. Ундан кўзланган мақсад – ўзбек тилининг халқимиз ижтимоий ҳаётида ва халқаро миқёсдаги обрў-эътиборини тубдан ошириш, униб-ўсиб келаётган ёшларимизни ватанпарварлик, миллий анъана ва қадриятларга садоқат руҳида тарбиялаш, мамлакатимизда давлат тилини тўлақонли жорий этишини таъминлаш, Ўзбекистондаги миллат ва элатларнинг тилларини сақлаш ва ривожлантириш, давлат тили сифатида ўзбек тилини ўрганиш учун шартшароитлар яратиш, ўзбек тили ва тил сиёсатини ривожлантиришнинг стратегик мақсадлари, устувор йўналиш ва вазифаларини ҳамда истиқболдаги босқичларини белгилашдир.

Собиқ совет республикаларида тил сиёсати дунёning бошқа қисмларига нисбатан нозикроқ бўлиши мумкин, шунинг учун Ўзбекистоннинг бу борадаги тажриба ва сиёсати таважжуҳга лойиқ. 2020 йилнинг май ойида Россия Ташқи ишлар вазирлиги матбуот котиби Мария Захарова Ўзбекистоннинг барча давлат идораларида ўзбек тилидан фойдаланишни мажбурий қилувчи қонун

лоиҳасига муносабат билдириди. Ўзбекистон Адлия вазирлиги томонидан тақдим этилган қонун лойиҳасига кўра, мамлакат ҳокимияти органлари бу қонунга риоя қилмаса, жаримага тортилади. Москва Ўзбекистондаги бу сиёсий ҳаракатга кескин муносабат билдириди. Чет элда миллий тил ва маданиятни қўллаб-қувватлаш ҳар қандай динамик ривожланаётган ташқи сиёсатнинг табиий хусусиятидир ва кўпинча "юмшоқ куч" воситаси сифатида қаралади. Аммо Россия ТИВ вакили берган баёнотни Ўзбекистонга таъсир ўтказиш усули деб қараш мумкин. Бизнинг фикримизча, ушбу қонун оммавий ахборот воситаларида тортишувларга сабаб бўлди. Кўпчилик рус тилининг расмий ва маъмурий доираларда сақланиши кераклигини исташади ва бу икки мамлакат ўртасидаги икки томонлама муносабатлар тарихи ва сифатига мос келади. Гап шундаки, бу нарса Ўзбекистон халқининг манфаати учун ҳамдир, чунки улар Россияни ишлаш ва ўқиш учун танлайдилар.

Россия Марказий Осиёнинг қатор давлатларида алифбони кириллчадан лотин ёзувига ўтказиш масаласида аксиламал кўрсатганди. Бу нарса собиқ Совет Иттифоқ худудида яшовчи рус тилида сўзлашувчи озчилликларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасида тортишувларни келтириб чиқарди.

Буларнинг назарида алифбони ўзгартириш этник русларга нисбатан камситиши билан tengdir. Айримлар ҳатто алифбони ўзгартириш Россия нуфузини пасайтиришга олиб келади, дея иддао ҳам қилишди. Улар бу ҳодисага геополитик никоб кийдиришга ҳаракат қилишди.

Сиёсий эксперталар улкан қудратлар ўзларининг манфаатларини илгари суриш ва бошқа мамлакатларга таъсир ўтказишида фойдаланадиган мавжуд сиёсий воситаларни тавсифлаш учун кўпинча "юмшоқ куч" ва "қаттиқ куч" каби атамалардан фойдаланадилар. Захarovанинг баёнотида икки томонлама муносабатлар тарихи ва сифатига ургу берилган бўлсада, аммо унинг ифода усулидан неоимпериализм руҳини сезиш мумкин.

Рус тилидаги таълимни қўллаб-қувватлаш ва уни собиқ совет республикаларида давлат тили сифатида тарғиб қилиш Москва ташқи сиёсатининг бир қисмидир. Ўзбек тилини ўқитиши ҳимоя қилиш ва уни расмий ва давлат тилига айлантириш эса Тошкент ички сиёсатининг бир қисми ҳисобланади. Шу нуқтаи назардан, Тошкент ва Москванинг тил сиёсати Ўзбекистон ичида ўзаро қарама-қаршидир. Шунинг учун Захarovанинг Ўзбекистон Адлия вазирлигининг таклифига муносабати Ўзбекистоннинг ички ишларига аралашишнинг ўзига хос тури сифатида тавсифланиши мумкин. Такрор бўлса ҳам айтиш жоизки, 30 йилдан ошиқ вақт мобайнида миллий тил

борасида юритилган сиёsat ҳолва деган билан оғиз чучимаслигини аниқ-равшан қўрсатиб берди.

Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Давлат тилини ривожлантириш департаменти тузилгани, унинг раҳбари ҳукумат амалдорларидан чет элларга чиққанда ҳам ўзбек тилида гапиришни талаб қилаётгани яхши. Лекин амалий иш-чи? Давлат тили ҳақидаги қонун ижросини назорат қиласидиган, атамаларни тартибга соладиган, уларни саралаб олиб, барча давлат идоралари қўллаши учун мажбурий қилиб қўядиган механизм жорий этилдими?

Бизда ҳам шундай тузилмага эҳтиёж бор. Яна бир шошилинч ҳал этилиши керак бўлган масала давлат тили ҳақидаги қонун ижросини назорат қилиш механизмини яратишдир. Масалан, Францияда давлат тили тўғрисидаги қонун талабларига риоя қилинишини истеъмолчилар ташкилотлари назорат қиласиди. Назаримда, бизда ҳам бундай ваколатни жамоат ташкилотларига ва уларга шунга яраша ваколатлар бериш ва буни давлат тили тўғрисидаги қонуннинг янги таҳририга киритиш мақсадга мувофиқ бўлади³.

ХУЛОСА

Ўзбек тили давлат тили деб эълон қилинган бўлса-да, рус тили ҳалигача ҳукумат идораларида кенг қўлланмоқда. Мунозараларда ўзбек тили ҳалигача миллатлараро мулоқот тили бўлмагани ҳамда унда етарли манбалар ва китоблар йўқлиги айтилмоқда. Кўпчилик бунга лотин алифбосига ўтишдаги аросатли ҳолат ўзбек тилига кўп зарар келтирди, деб ҳисоблайди. Баҳс-мунозаралар ортидан “Юксалиш” умуммиллий ҳаракати ўзбек тилини тарғиб қилиш ва қўллаб-қувватлаш мақсадида уни ихтиёрий равишда ўрганувчилар учун бепул курслар ташкил этиш ва бошқа конструктив ташабbusлар билан чиқди. Улар орасида ёшларга тил меъёрларини интерфаол тарзда ўргатишга қаратилган мобил иловалар яратиш таклифи ҳам бор.

REFERENCES

1. Ш.Мирзиёев. Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мақеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида. Тошкент ш., 2019 йил 21 октябрь, ПФ-5850-сон
2. Мирзиёев Ш.М. Ўзбек тили халқимиз учун миллий ўзлигимиз ва мустақил давлатчилик тимсоли, бебаҳо маънавий бойлиқ, буюк қадриятдир // Халқ сўзи газетаси. – 2019 йил 22 октябрь, 218-сон.

³Ф. Низамов. Сиёsat тили ва тил сиёсати. 13 февр. 2021.Tarjumon.uz. <https://tarjumon.uz>

-
3. Ф. Низамов. Сиёсат тили ва тил сиёсати. 13 февр. 2021.Tarjumon.uz.
<https://tarjumon.uz>
 4. Kurbanova M. Language is the wealth of nation. Polish science journal.. Issue 4(37) part 1 2021
 5. Kurbanova Marguba Boltaevna. Language Policy and Its Social Aspects International Journal of Development and Public Policy | e-ISSN: 2792-3991 | www.openaccessjournals.eu | Volume: 1 Issue: 5